

6-мавзу. Яшил дарахтзорларнинг классификацияси ва кўкаламзорлаштиришнинг шакли

Режа:

- 1. Яшил дарахтзорларнинг классификацияси.**
- 2. Дарахтзорларни жойлаштириш**
- 3. Кўкаламзор худудлар барпо этишда фойдаланиладиган манзарали дарахт ва буталар ассортименти**

Мақсадли йўналишига, жойлаштирилишига, ҳажмига, хизмат кўрсатиш кўламига кўра яшил экинзорлар хилма хилдир. Кўкаламзорлаштиришнинг биринчи таснифини (классификациясини) 1917 йилгача бўлган даврда Қурбатов томонидан тавсия этилган. У кўкаламзорлаштиришнинг 2 гуруҳи – боғ ва хиёбонлар, деб ажратган. 1936-йилдаги таснифга мувофиқ (Россия) қуйидаги яшил экинзорлар ажратилган: 1) хиёбонлар, 2) аҳоли яшаш жойлари экинзорлари – шаҳар боғлари ва сайилгоҳлар, 3) кўчалардаги экинзорлар (дарахтзорлар), 4) аҳоли яшаш худудлари ичидаги экинзорлар, 5) саноат корхоналаридаги экинзорлар, 6) ўрмон парклари, 7) химоя худудлари (ихотазорлар), 8) махсус йўналишдаги экинзорлар – ботаника боғлари, дендрарийлар, ҳайвонот боғлари.

Бугунги кунда қабул қилинган таснифга кўра барча яшил экинзорлар 3 гуруҳга бўлинади:

1) умумий фойдаланишга мўлжалланган экинзорлар; 2) чекланган тартибда фойдаланиладиган экинзорлар; 3) махсус фойдаланиш учун мўлжалланган экинзорлар.

Аҳоли учун чекловларсиз киришга рухсат этилган экинзорлар умумий фойдаланишга мўлжалланган экинзорларга мансубдир. Алоҳида инсонлар фойдаланишига рухсат этилган экинзорлар масалан, саноат корхоналарида ушбу корхона ишчи ва хизматчилари фойдаланиладиган; мактабларда ўқувчилар, ўқитувчилар ва кам ҳолда ўқувчиларнинг ота-оналари фойдаланиладиган. Махсус экинзорлар белгиланган вазифани ўтайди: сув муҳофазаси, тупроқ муҳофазаси, кум ва қордан химоялаш ва бошқалар. Амалиётда 2 та тасниф қўлланилади: Л.Б.Лунц бўйича ва шаҳарсозликни лойиҳалаштиришга оид қўлланмага асосан.

Экинзорлар таснифи (Л.Б.Лунц бўйича):

I. Умумий фойдаланиладиган экинзорлар:

1. Истироҳат боғлари – яшил массивлар бўлиб, аҳолининг дам олиши, улар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга мўлжалланган. Истироҳат боғлари ўз навбатида қуйидаги тоифаларга бўлинади: а) мамлакат миқёсидаги шаҳарларда жойлашган марказий истироҳат боғлари; б) катта шаҳарлар марказидаги истироҳат боғлари; в) катта шаҳарларда жойлашган, умумшаҳар ахамиятига эга бўлган истироҳат боғлари; г) катта шаҳарлардаги туманларда жойлашган истироҳат боғлари; д) курорт шаҳарларда жойлашган истироҳат боғлари; з) кичик шаҳарлар, посёлкалар ва туман марказлардаги истироҳат боғлари.

2. Болалар учун истироҳат боғлари (кўпинча умумий истироҳат боғларига ҳам киритилади) – яшил массив бўлиб, болаларнинг дам олиши, ўйнаши; болалар билан спорт – соғломлаштириш, маданий маърифий ишларни олиб бориш учун мўлжалланган.

3. Спорт майдонлари – спорт турлари бўйича тайёргарлик кўриш ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган яшил ўйин майдончаси. Бу ерда томошабинларнинг дам олиши ҳамда улар орасида маданий маърифий ишларни олиб бориш учун турли қурилмалар мавжуд. Спорт паркиннг тури бўлиб аквапарк хизмат қилади, у сув ҳавзалари бўйида жойлаштирилади, асосий эътибор сув спорти ва дам олишни ташкил этишга қаратилади.

4. Ботаника боғи – экинлар алоҳида тартиб (схема) бўйича жойлаштирилган яшил массив. Ботаника, манзарали боғдорчилик, ўсимликшунослик, ўрмончилик соҳасида оммавий-маданий, маърифий ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун мўлжалланган.

5. Ҳайвонот боғи – турли ҳайвонлар сақланадиган, махсус қурилмалар билан жиҳозланган яшил массив. Зоология соҳасида оммавий-маданий ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган.

6. Шаҳар истироҳат боғи-дам олиш, сайр қилиш, тинч хордиқ чиқариш, шунингдек, алоҳида кўнгилочар тадбирлар ва маданий – маърифий ишларни ташкил этиш учун мўлжалланган яшил ҳудуд.

7. Сайилгоҳ (сквер) – майдонлар, кўчалар, алоҳида жамоат бинолари олдида, мавзелар ичида, уйлар оралиғида жойлашган, қисқа вақт дам олишга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган майдон. Сайилгоҳ манзарали архитектура мақсадида, ҳамда транспорт қатновини бошқариш мақсадларида ҳам ишлатилади.

8. Ҳиёбон (булвар) – кўчанинг ҳаракатланиш қисмида ёки сув ҳавзалари бўйида барпо этилган яшил йўлак. Ундан ҳаракатланиш, қисқа муддат дам олиш, бинолар ва йўлакларни шовқин ва чангдан муҳофазалаш учун фойдаланилади.

9. Кўчалардаги экинзорлар-кўчалар атрофида экилган дарахт ва буталар; бинолар олдидаги экинлар шунингдек, уйлар айвонлари ва олд қисмини безатиш учун экилган ўсимликлар. Улар қисқа муддатли дам олиш жойи ҳамда кўчалар ва биноларда санитариягигиеник шароитларни яхшилашга мўлжалланган.

10. Маъмурий ва жамоат корхоналар (бинолар) олдидаги экинзорлар – қисқа вақт дам олиш учун ва архитектура безатишнинг бир қисми бўлган кўкаламзорлаштирилган майдонча.

11. Кўп қаватли уйлар жойлашган микрорайонлар ва мавзелардаги экинзорлар улар санитар – гигиеник ҳолатни яхшилаш ҳамда дам олиш, физкультура билан шуғулланиш учун мўлжалланган.

12. Ўрмон парки – табиий ёки сунъий яратилган массив бўлиб, дам олиш ва физкультура-соғломлаштириш ишларида фойдаланилади. Шаҳар ва қишлоқ жойларида, қурилишлардан ҳоли ерда жойлаштирилади.

13. Чим парки (лугопарк) – ўрмон парки билан бир хил бўлиб, фақат унга газон ўсимликлари кўп жойларни эгаллайди.

14. Оммавий дам олиш ҳудуди – шаҳар ва қишлоқ қурилишидан ташқарида жойлашган яшил массив. Унда пансионатлар, дам олиш уйлари, спорт иншоотлари ҳамда дам олувчиларга хизмат кўрсатувчи корхоналар мажмуаси жойлашади.

II. Чекланган тартибда фойдаланиладиган экинзорлар

1. Мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари олдидаги экинзорлар – дам олишга, спорт машғулоти ва бир қатор ўқув машғулотларини олиб боришга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар.

2. Болалар боғчалари олдидаги кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар. Улар соялатилган ва очик ўйин майдончалари, болалар бадан тарбияси ва ухлаши учун мўлжалланган, ҳамда ён атрофидаги ҳудуддан ажратиш учун барпо этилган.

3. Клублар, маданият саройлари, болалар ижодий уйлари олдидаги экинзорлар – дам олишга, маданий-маърифий ишларни, бадан тарбия машғулотларини олиб боришга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар.

4. Илмий-тадқиқот муассасалари олдидаги экинзорлар – айрим илмий тадқиқот ишларини олиб боришга, шунингдек ходимларнинг дам олиши, бадан тарбия машғулотларини ўтказишга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд.

5. Касалхоналар ва бошқа даволаш-профилактика муассасалари олдидаги экинзорлар – махсус даволаш муолажаларини ўтказиш учун, дам олиш ва сайр қилиш учун мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд.

6. Саноат корхоналари олдидаги экинзорлар – дам олишга ва ишлаб чиқаришнинг зарарли шароитларидан муҳофаза қилишга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд.

7. Ховли жойлар қурилган аҳоли яшаш жойлари олдидаги экинзорлар-манзарабоп, мева-резавор ва сабзавот экинлари экишга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд. Бу ерда хўжалик қурилмалари ва майдончалари жойлашади.

8. Санаториялар, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари олдидаги хиёбон ва боғлар яшаш биноларидан ташқаридаги яшил массивлар бўлиб, улар дам олиш, сайр қилиш, маданий-оммавий, маърифий ишларни ва даволаш муолажаларини олиб бориш учун кўкаламзорлаштирилган ҳудуд.

III. Махсус йўналишдаги экинзорлар

1. Саноат корхоналари ва аҳоли яшаш жойлари ўртасидаги санитар – химоялаш ҳудудлари. Улар саноат ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсиридан химоя қилишга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд.

2. Табиатнинг ноҳуш офатларидан сақлаш ҳудудлари – аҳоли яшаш жойларини шамоллардан, қумликлардан ва табиатнинг бошқа ноҳушликлардан сақлаш учун кўкаламзорлаштириш лозим бўлган ҳудуд.

3. Сувни муҳофазалаш ҳудудлари – дарёлар, кўллар, суғориш тизимлари, сув ҳавзалари қирғоқларида барпо этилган экинзорлар. Улар сувнинг ортиқча буғланишини олдини олиш, сувни ифлосланишдан,

шўрланиш ва балчиқланишдан ҳимоя қилиш учун кўкаламзорлаштириладиган ҳудуд.

4. Ўрмонмелиоратив йўналишидаги экинзорлар, жарликларни кўкаламзорлаштириш, тупроқни емирилишдан муҳофазалаш, сел келиши хавфи бўлган ҳудудлардаги экинзорлар.

5. Ёнғинга қарши – ёнилғи омборхоналари ва бошқа ёнғин хавфи бўлган объектлар атрофидаги экинзорлар.

6. Автомобил ва темир йўллари атрофидаги ихотазорлар. Улар йўлларни муҳофазалаш, мўътадил микроиқлим ва яхши санитар –гигиеник шароитни яратиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, йўлларни манзарабоплигини оширишга хизмат қилади.

7. Қабристондаги экинзорлар –ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга мўлжалланган жойлар.

8. Кўчатзорлар ва гулчилик хўжаликлари –дарахт ва буталарнинг ниҳолларини етиштириш, очиқ далада, парк ва оранжереяларда гулларни етиштиришга хизмат қилади.

Шаҳар қурилиш лойиҳаси бўйича кўкаламзорлаштириш таснифи: I. Умумий фойдаланиш экинзорлари:

1. Шаҳар ичидаги аҳоли яшаш ҳудудида жойлашган экинзорлар: Шаҳар ва қишлоқ истироҳат боғлари, шу жумладан, дам олиш истироҳат ҳамда махсус сайилгоҳлар, микрорайонлар ва туман боғлари, скверлар, хиёбонлар.

2. Шаҳар атрофидаги ҳудуд чегарасида жойлашган экинзорлар: ўрмон хариталари, оммавий дам олиш ҳудудлари, ўрмонлар.

II. Чекланган тартибда фойдаланиладиган экинзорлар:

1. Шаҳар ташкилотларидаги экинзорлар: аҳоли яшаш ҳудудларидаги, мактаблар ҳудудидаги, болалар муассасалари атрофидаги, жамоат бинолари майдонидаги, спорт иншоотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари майдонида жойлашган.

2. Шаҳар ёни чегарасида жойлашган экинзорлар: саноат корхоналари ҳудудидаги кўкаламзорлаштирилган ерлар, шаҳар четида жойлашган дам олиш масканлари (дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари ва ш.к.) даги экинзорлар, ишчи ва хизматчилар жамоаларининг мевазор боғлари.

III. Махсус йўналишдаги экинзорлар:

1). Шаҳар ичидаги кўчатхоналар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, кўрғазмалар ҳудудлари.

2). Шаҳар ёнидаги чегара экинзорлари: қабристонлар экинзорлари, кўчатчилик ва бошқа коммунал хўжаликлари экинзорлари; ташқи транспорт ва омборхоналар ҳудудлари; санитар-ҳимоялаш ва сув муҳофазаси; темирйўл ва автомобил йўналишидаги; мелиоратив, шаҳарни муҳофазалаш ихотазорлари, шаҳар атрофидаги хўжаликларнинг мевазор боғлари ва узумзорлари, кўриқхоналар, тарихий обидалар экинзорлари.

Юқоридаги иккита классификация (таснифлар) нинг асосий фарқи шундаки, кўчалардаги экинзорлар, ботаника, ҳайвонот боғлари битта таснифга кўра умум фойдаланиладиган турга киради, бошқа таснифга кўра эса махсус фойдаланиладиган экинзорларга киритилади; тегишли равишда квартал

ичидаги экинзорлар-умум фойдаланиладиганга ва чекланган тартибда фойдаланиладиганга ва иккинчи таснифга фақат чекланган тартибда фойдаланиладиган экинзорлар туркумига киради. Амалиётда иккала тасниф ҳам қўлланилади.

ДАРАХТЗОРЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Дарахтзорларни жойлаштириш тартиботи авваламбор уларнинг тоифасига қараб, шунингдек, аҳоли яшаш жойининг режалаштириш ва қурилиш тизимига мувофиқ ҳолда белгиланади. Умумфойдаланиладиган дарахтзорларни жойлаштиришда қуйидаги талабларга риоя қилмоқ зарур:

а) аҳоли яшаш ҳудудларида экинзорлар бир хил меъёрда, аҳоли сонига пропорционал равишда тақсимланиши керак, бунда объект марказида дарахтзорларнинг кўпроқ бўлишини ҳам инобатга олиш лозим;

б) дам олиш ҳудудларигача бўлган масофа аҳолининг кундалик равишда улардан фойдаланишга қулай бўлгани ҳолда, жойга етиб бориш учун энг кам вақт сарфлашини эътиборга олиш зарур

в) умумфойдаланиладиган объектларгача етиш учун йўлнинг ҳаракатланиш қисми яхши бўлиши керак;

г) имкон қадар мавжуд яшил экинзорлардан ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш керак;

д) умумфойдаланиладиган ҳудудларнинг айрим қисмларидаги махсус йўналишларнинг кўп қирралигига аҳамият бериш зарур.

Шаҳар кучли шамоллар эсадиган ҳудудда бўлса, истироҳат боғларини шамол эсадиган томонида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Сув ҳавзалари бўйларида жойлашган шаҳарларда эса истироҳат боғлари сувлар бўйида барпо қилинади.

Чекланган тартибда фойдаланиладиган экинзорларни жойлаштириш тартиботи қайси иншоотнинг олдида барпо этилишига боғлиқдир. Жуда кам ҳолларда, яшил массивни яратиш имконияти қурилиши учун танланадиган жойга таъсир этади (хусусан, касалхоналар ва ўйингоҳлар кўринишида).

Махсус фойдаланиш учун экинзорларни жойлаштиришда фақатгина улардан фойдаланиш мақсадига боғлиқ. Масалан, саноат корхонаси ва шаҳарнинг аҳоли яшаш қисми ўртасидаги яшил ҳудудни барпо этиш корхоналарнинг жойлашган жойига боғлиқ: шамолдан ҳимоялаш ҳудудлари – шамоллар йўналишига қараб; сувни муҳофазалашда – сув ҳавзалари атрофида жойлаштириш мумкин бўлади.

Маълумки, алоҳида экинзорлар яхлит ва узлуксиз бир тизимга айланиши даркор. Шаҳар (қишлоқ посёлка) ларда экинзорларни ҳалқасимон тарзда тўғри бурчак, қаторли экиш, бўлмачалар, уйғунлигида ва бошқа хилда жойлаштириш мумкин. Масалан, яшил экинзорларнинг бўлмачалар тартибида Санкт-Петербург шаҳрида; ҳалқасимон тури – Ереванда, қаторлаб экиш тури – Тошкентда, Ригада; аралаш тури эса – Свердловск шаҳарларида қўлланилади.

Ўзбекистон шаҳарларида яшил экинзорларни лойиҳалаштиришда дарахтзорларни жойлаштиришнинг қуйидаги тартиботи қўлланилади:

1) тўғрибурчакли – ярим чўл воҳаларида жойлаштирилган шаҳарларда, кучли, чанг-тўзонли шамоллар эсадиган туманларда (Янгиер, Нукус ва б.);

2) йўлак типда – шамол кучсиз эсадиган, тоғ олди адирларда жойлашган шаҳарларда (Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон);

3) аралаш тури – рельефи мураккаб бўлган ҳудудларда жойлашган шаҳарларда (Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Наманган) ҳамда кумликлар чегарасида (Бухоро, Қарши) тўғри бурчакли ва йўлак тури биргаликда қўлланилган;

4) ҳудудий – кумлик чўллар билан ўралган шаҳарларда (Хива, Томди).

Шаҳарларда дарахтзорлар тизимини яратиш бўйича шаҳарсозлик тартибини ўрганган ҳолда, Л.Б.Лунц янги бўлган тизимни таклиф этди: шаҳар ихотазорлар билан бўлинган, аҳоли яшайдиган ва саноат ҳудудларига бўлинади. Аҳоли яшаш жойлари ҳиёбонлар билан ажратилади. Микрорайон марказида истироҳат боғлари белгиланади. Шаҳарнинг умумий режасида истироҳат боғлари, болалар дам олиш жойлари ва бошқалар бир хил меъёردа жойлаштирилади.

Марказий шаҳар истироҳат боғи, ботаника ва ҳайвонот боғлари сув ҳавзалари бўйларида жойлаштирилади. Шаҳар ичидаги яшил экинзорлар тизими ўрмон боғлари билан боғланади.

Шундай қилиб, табиий ва режалаштириш шароитларидан келиб чиқиб, экинзорларни жойлаштиришнинг турли тadbирлари қўлланилиши мумкин.

Кўкаламзор ҳудудлар барпо этишда фойдаланиладиган манзарали дарахт ва буталар ассортименти

Бугунги кунда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида, аҳоли яшаш ҳудудлари, ўқув масканлари, истироҳат боғлари, дам олиш оромгоҳлари, автомобил ва темирўл бекатлари атрофида замон талабларига жавоб берадиган нафис кўринишдаги яшил ҳудудлар барпо этилмоқда. бунинг учун маҳаллий шароитга мос келадиган манзарали япроқ ва нинабаргли дарахт, бута турларидан фойдаланилмоқда. бугун кўкаламзорлаштириш соҳасида асосан куйидагича турдаги манзарали дарахт ва бута турларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Канада багрянниги (Серсис санагенсис Л.), (Арғувон). ушбу манзарали япроқ баргли дарахт бизнинг шароитимизда туманлаштирилган бўлиб, табиий ҳолда шимолий америкада ўсиб ривожланган. бўйи ватанида 10–12 м гача борадиган, диаметри 85–90 см бўлган, шох-шаббалари соябонсимон шаклда бўлган ўта манзарали дарахт. барглари кенг овал ёки юраксимон, силлиқ тарзда тузилган. Оддий багрянникдан бўйининг баландлиги ва совуққа чидамлилиги билан фарқланади. ушбу дарахтнинг энг асосий кўркамлиги у барг чиқармасдан олдин, март ойининг иккинчи ярмида, ўзининг ажойиб пушти рангдаги гулчаларини намоён қилади. унинг гуллари новдаларида пастдан юқорига қараб худди сариқ тол нинг гулларига ўхшаб жойлашган.

ушбу манзарали дарахтни кўкаламзорлаштиришда, қаторга олиб экиб борилса, ажойиб композиция келиб чиқади.

Ушбу манзарали япроқ баргли дарахт газ ва тутунга чидамли бўлиб, зараркундалардан кам зарарланади ва шамоллар оқимиға ҳам чидамлидир. унчалик тупроқ танламайди, фақат ўта шўрхок ер майдонларига экиш тавсия этилмайди.

Оддий багрянник – (Серсис силигуаструм Л.). Дуккакдошлар оиласига мансуб ўсимлик. бўйи ватанида 8–10 м гача келади, танаси нотекис, кўпинча кийшиқ ўсади. барглари ярим доира шаклида, узунлиги 5–8 см, эни 7–12 см, юқори қисми яшил ранг ли, пастки қисми тўқ яшил бўлган ўсимлик. гуллари пушти ранг, тўқ қизил рангли, узунлиги 1,8–2 см, новдалари даста шаклида жойлашган, ҳидсиз. барглари очилмасдан март-апрел ойида гуллайди. меваси жигар ранг, дуккаги бутун қиш давомида дарахтда қолади. нисбатан секин ўсади. Қурғоқчиликка жуда чидамли тур. унинг тўқ яшил барглари жазирама иссиқда ҳам ўзининг кўринишини яхши сақлайди.

Тупроққа талабчан эмас. Куруқ тошлоқ, ҳатто, оҳакли тупроқларда ҳам яхши ўсади. совуққа чидамли. нектарга бой. Жанубий европа ва ғарбий Осиёда табиий ҳолда ўсади. марказий Осиёда тян-шан тоғларининг ғарбий қисмида, помир – Олой ва карпат тоғларида ўсади.

Оқ гулли шакллари (ф.алба West) учрайди. юқори манзарали, эрта баҳорда қизғиш рангли гуллайди. барглари тўқ яшил, парваришга муҳтож эмас. Қурғоқчиликка жуда бардошли тур. кўкаламзорлаштириш соҳасида кенг фойдаланиш мумкин.

Оқ акас (Робиниа псеудоасасиа). баландлиги яхши тупроқ шароитида 25–30 м гача етадиган, шох-шаббаси сийрак, барглари навбатма-навбат жойлашган, жуфциз, пацимон тузилган япроқ барг ли дарахт, апрелда барг ёя бошлайди. барглари кеч кузда, октябрнинг охирида тўкила бошлайди.

Гулчалари оқ, жуда хушбўй, узунлиги 1,5–2 см, қалин эгилган панжаларда узунлиги 10–20 см. апрел ойининг охири май ойининг охиригача гуллаб туради. айрим вақтда ёз фаслининг охирида, одатда, кучсиз равишда иккинчи марта гуллайди. тупроқ шароитларига талабчан эмас, ҳар қандай тупроқларда ҳатто ўртача шўрланган тупроқларда, Ўзбекистоннинг дашт, ярим дашт ва чўл минтақаларида ҳам бемалол ўсаверади. кучсиз тупроқларда ҳам ҳаводаги азотни ўзлаштириб бемалол ўса олади. Оҳак моддаси бўлган қумоқ тупроқларда яхшироқ ўсади.

Оқ акас қурғоқчиликка чидамли, ёруғсевар аммо ботқоқликда яхши ўсмайди. шаҳар шароитларида (чанг, туз, тутун) оқ акас бемалол ўсади, ҳатто газлар билан кучли зарарланса ҳам оқ акас ўзини тезда тутиб олади. Оқ акас бугунги кунда мамлакатимизнинг аҳоли яшаш ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларимизда кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилмоқда ва бу соҳада қимматбаҳо манзарали дарахт ҳисобланади.

Аҳоли ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда шунингдек, қишлоқ хўжалик экинзорлари атрофида ихота дарахтзорлари барпо этишда, автомобил йўллари атрофида химоя дарахтзорлари барпо этишда кенг фойдаланилади.

ушбу оқ акас дарахти табиий ҳолда шимолий американинг аппалачи тоғлари ён қияликларида ўсиб ривожланган. марказий Осиёнинг кўпгина худудларида ушбу дарахт тури сунъий дарахтзор сифатида барпо этилган. ер баландлиги бўйича баъзан 25–32 метргача кўтарилади. Диа метри эса 100–120 см гача боради. ушбу дарахт денгиз сатҳидан 1800–2000 м баландликкача бўлган жойларда ўсиб ривожланмоқда.

Фарғона вилоятининг шоҳимардон туманида оқ акас дарахти 2120 м баландликда, самарқанд вилоятининг Омонқўтон тоғ ёнбағирларида 1800–2000 м, шунингдек, тошкент вилоятининг Чотқол тоғ водийларида 2100 м, 1300–1500 м да Чирчиқ ўрмон хўжалигининг Оқтош ва Чимён ўрмончилиқ бўлимларида ҳам учрайди. тошкент шароитида 35 ёшдаги оқ акас дарахтининг диаметри 36 см га етган. 75 ёшдаги бир оқ акас дарахтининг бўйи 34 м ва диаметри бўйича 110 см ўсишга эришган.

Оқ акас – дуккакдошлар оиласига мансуб тез ўсувчи, ёруғсевар, курғоқчиликка чидамли, тупроқ танламайдиган, бўйи 35 м гача борадиган, ажойиб манзарали ёғочбоп дарахт. уруғи, илдизи ва новдаси шунингдек, тўнкасидан ҳам кўпаядиган дарахт. ватанимизда ихота, ҳимоя ва кўкаламзорлаштириш соҳаларида кенг фойдаланилади. агар унинг кўчатини ўз вақтида, бир йилда 10–12 маротабагача суғориб турилса, баландлиги бўйича 2,5 м, диаметри бўйича эса 4–5 см гача боради. Оқ акас шўрга чидамли дарахт ҳисобланади. 4–5 ёшидан мевага киради, апрел ойи охири май ойида гуллай бошлайди. илдизи ер қаърига жуда чуқур, баъзан 15 м гача борадиган, жуда бақувват манзарали япроқ баргли дарахт. унинг ёғочи анча мустаҳкам бўлиб, қурилиш саноатида, кемасозлик саноатида, паркет ясашда фойдаланилади.

Япон сафораси (Сопҳора жапониса Л.). барглари тўкиладиган, баландлиги 15–25 м гача кўтариладиган, танаси тўғри шакли новдалари ёйилиб кетган, оқ акасниқига нисбатан калинроқ, дума лок, шоҳшаббаларни ҳосил қилувчи манзарали дарахт. гулчаларининг узунлиги 1–1,5 см, сариқ ёки оқиш яшил рангда, хушбўй, кенг супурги шаклида, йиғилган, узунлиги 15–30 см. июн-августгача гуллайди. мевалари тасбеҳсимон дуккакли, узунлиги 5–8 см бўлган яшил рангли тез ўсувчи дарахт, соя жойларга етарли даражада чидамли, шаҳар шароитида жуда яхши ўсади. гуллашга ва мевага 5–7 ёшидан бошлаб ўтади. Қимматли қоғоз беради. гуллари ва дуккакларидан қимматбаҳо ртун моддаси олинади. ватани япония, хитой.

Кўкаламзор худудларда тўқ яшил, калин шоҳ-шаббалари даврида жуда чиройли манзара намоён этадиган, осилиб турган яшил тасбеҳсимон дуккаклари чиройига чирой кўшади. улар дарахтни қиш фаслида ҳам безайди. шу сабабли унинг шоҳ-шаббалари узокдан баҳорги яшил либосни эслатади. ушбу манзарали, япроқ баргли дарахт туридан бугунги кунда мамлакатимиз шаҳарларининг диққатга сазовор жойларида, истироҳат боғларида, ёдгорликлар, хиё бонлар, автомобил йўллари атрофида, ўқув масканлари, шифохоналар ва спорт иншоотлари атрофида япон сафорасининг ўта кўркем композицияга эга бўлган яшил дарахтзорлари барпо қилинган ва қи линмоқда.

Бандли эман (Куерсусробур Л.). баландлиги 30–40 м гача борадиган йирик дарахт. танасининг пўсти 40 ёшгача силлиқ сариқкўкимтир рангда,

кейинроқ кулранг, деярли қора тусда бўлади. барглари новданинг уч қисмида тўп-тўп бўлиб навбатма-навбат жойлашган, пасти қалин, чўзинчоқ, тескари тухумсимон, узунлиги 5–15 см, охирида ўтмас чўзилган, парраксимон. ушбу йирик манзарали дарахт май ойининг иккинчи ярмида баргларини ёйиши билан бир вақтда гуллайди, 40 ёшдан бошлаб гуллаб мева бера бошлайди (камдан-кам ҳолда 20 ёшдан).

Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштириш ишларида унинг қуйидаги шаклларида фойдаланилади:

– пирамидасимон шакли – Ф. Фастигиата. юқорига қараб тикка ўсадиган новдали; улар тор устунсимон шох-шаббани ташкил этади;

– шох-шаббалари пастга қараб ўсувчи шакли – Ф. Фендула;

– шох-шаббалари шарсимон шакли – Ф. умбрасулифера ҳорт – бир текис шарсимон шох-шаббага эга.

Ушбу манзарали дарахт тошкент шаҳрининг марказий ҳудуди бўлган шимолий вокзалдан бошлаб, а. темур хиёбони атрофигача, болалар дунёси мавзесидан «Дедеман» меҳмонхонаси йўналишида, Ўрдадан бошлаб то «ҳамза» театригача ва болалар дунёси йўналишидан то Фалсафа илмгоҳи йўналишигача ўзининг манзарали кўринишини намоён этиб турибди.

Каштан баргли эман (Қуерсус састанеифолия.). ушбу дарахтнинг баландлиги 30 м гача етадиган, шох-шаббаси кенг ривожланган бўлади. барглари каштаннинг баргини эслатади, баргларининг узунлиги 10–18 см гача, чўзинчоқ эллипедан шарсимон шаклгача, йирик, ўткир учбурчаксимон тишчали. совуққа чидамлилиги ўртача. Қурғоқчиликка етарли даражада чидамли эмас. Чиройли, ўта манзарали дарахтлардан бири. танаси текис, шох-шаббаси кенг. тошкент шаҳрида марказий универмаг атрофида, бобур номли истироҳат боғида, тошДау ҳудудида ва бошқа ҳудудларда кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилган серсоя дарахт. ёш новдалари, куртаклари ва баргларининг орқа томони сарғиш кулранг қалин тук билан қопланган. барглари доим яшил сақланади, оддий тузилган, навбат билан жойлашади, овал ёки чўзиқ тухумсимон, чети ўткир тишчали, юз томони тўқ яшил, ялтироқ, орқа томони қалин тукли. ёнғоқлари 1–3 тадан бўлиб, калта бандли, бир йилда ети лади. май ойидан бошлаб ёзнинг ўрталаригача гуллайди. кузда иккинчи марта гуллайди. шунинг учун бир туп дарахтда ҳар хил муддатда етиладиган ёнғоқларни кўриш мумкин.

Пўкакли эманнинг ёнғоғи тез кўкариб чиқади. ниҳоли оригинал тузилиши билан бошқалардан фарқ қилади. бу найча ер тагида 20–30 см гача ўсади, сўнг ундаги куртак уна бошлайди ва ер устига бошланғич поя чиқади, илдиз отади. пўкакли эман Ўрта ер денгизининг ғарбий соҳилларида ва Жанубий европада, Франсияда, испанияда, португалияда, италияда, шимолий африканинг жанубий ҳудудларида тарқалган. мДҳда кавказ ва Қримнинг субтропик раёнларида экилади.

Пўкакли эман иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик, совуққа чидамсиз, 15–17°C совуқда зарарланади. нам ва оҳакли ерларда яхши ўсади. Қуруқ тупроқда ҳам ўса олади. унинг пўстлоғидан пўкак олинади. бу эманни шимолий туманларга

интродукция қилиш катта аҳамиятга эга. ундан кўкаламзор ҳудудлар барпо этишда кенг фойдаланилади.

Йирик мевали эман (Қуерсус масросарпа.). катта дарахт бўлиб, бўйи 40 м га, диаметри 2 м га яқин, шох-шаббаси юмалоқ ёки ёйиқ. пўстлоғи ёрилган, тўқ кўнғир рангда. шохида қаноцимон пўкакли ўсиқлари бор. новдаси аввал кулранг тук билан қалин қопланган бўлади, сўнгра бу туклари тўкилиб кетади. барглари йирик, тескари тухумсимон, туби понасимон, бўлаклари чуқур кесикли, барг пластинкасининг ўртаси йирик томиригача чуқур кесилган бўлади. ёнғоғи биттадан бўлиб, юқориги барглар қўлтиғида жойлашади. улар юмалоқ, овал шаклда. бу эман шимолий американинг шарқий раёнларида тарқалган. бу ердаги ўрмонзорларда бошқа турдаги эман билан бирга ўсади. мДхда ушбу ўсимлик хушманзара ўрмон дарахти сифатида экилади. москва, Рига ва таллин шаҳарларида ўсади. совуққа ҳамда қурғоқчиликка чидамли. эманнинг шох-шаббаси пирамидасимон тури ҳам бўлиб, у ниҳоятда чиройли дарахт. ботаника боғида ўстирилиб, синовдан ўтказилмоқда ва экиш учун шаҳарларга тарқатилмоқда. ушбу манзарали дарахт туридан бугунги кунда шаҳар кўкаламзорлаштириш соҳасида кенг фойдаланилмоқда. унинг Қ.алба, Қ.бисолор ва бошқа турлари ҳам ўсади. истироҳат боғлари ва шифохоналар, шунингдек, оромгоҳлар атрофида экиб борилса ҳовлининг ички ҳаёт фаолиятини ташқи шовқиндан ҳимоялайди.

Сохта каштан (Аессулус ҳиппосастанум Л.). шох-шаббаси ёйилган ва цилиндрсимон шаклдаги баландлиги 20 м гача етадиган ўта манзарали дарахт. барглари қарама-қарши, мураккаб бармоқли кучли бандда жойлашган. кучли ривожланган баргчаларининг узунлиги 20 см гача ва кенглиги 10 см гача боради. тошкент шаҳри шароитида танланган майдонлар ва улардаги ўсимлик дунёси турлича бўлиб, ҳар бири қандайдир ҳимоялаш ва манзарали хусусиятларни бажаради. баъзи бир йирик дарахтлар ўзидан пастроқда ўсувчи ўсимлик турларига соя солиб озроқ бўлсада унинг танаси ва баргларини иссиқ ҳаво ҳарорати ва автомобиллардан чиқа диган заҳарли газлардан ҳимоялайди. Демак, автомобил йўллари атрофида ўсимлик дунёсидан ҳар хил композиция услубига эга бўлган яшил ҳудудлар барпо этишимиз керак.

Чунки, барпо этилган ушбу композицион ҳудудлар ўзининг кўриниши бўйича қандайдир шакли ва ўзининг барча элементлари билан ландшафтини намоён этиши керак бўлади:

–автомобил йўли атрофидаги япроқ ва нинабаргли дарахтлар йўлнинг юза қисми томонидан шаклий кўриниши;

–яшил ўсимлик турларининг автомобил йўлига тушадиган соя йўналиши;

–япроқ ва нинабаргли дарахт ва буталарнинг йўл атрофида микроклим намоён этишини кузатиш;

–автомобил йўлининг икки томонидаги дарахт ва буталарнинг йўл йўналиши бўйича шамол ҳароратини ташкил этиши;

–автомобил йўли атрофида манзарали дарахтларнинг қаторга олиб, шох-шаббаларига ишлов бериб, узоқдан тўғри тўртбурчак шаклидаги композициясини барпо этиш;

– йўллар атрофида, айниқса йўллар ўзаро кесишган чорраҳаларда доира, мунтазам ёки клумба кўринишидаги майдончалар ташкил этиб, уларда яшил ўсимликлар ва гул ўсимликларининг кўркем композициясини ташкил этиш;

– манзарали дарахтларни гуруҳ ҳолида жойлаштириб, уларни ҳар хил жонсиз бўлган мрамртош ёки ёғочдан ясалган мозаикалар атрофида ёки бирор-бир ҳайкаллар, меморандумлар билан уйғунлашган нафис композицияларда кўрсатишдан иборатдир.

Йўлларда, улар атрофида ҳар хил турдаги реклама роликлари ўрнатилмоқда, натижада манзарали ўсимликларни шундай жойлаштириш керак-ки, улар ушбу реклама элементларига қандайдир эстетик кўриниш бериб ўзининг яна бир композициясини намоён этиши керак.

Автомобил йўллари атрофидаги яна бир ҳудуд ўзининг бошқача бир йўллар атрофида кўриниши билан йўлда ҳаракатланувлар кўз нигоҳида ўзгача позиция намоён қилади – бу йўллар атрофидаги яшил терассалардир.

Чунки, улар майса билан қопланган, пастдан юқорига ҳар хил турдаги бутасимонлар: шарқ биотаси, шаклдош туяси, оддий сирен, юкка, япон беҳиси ва бошқалар билан ўзгача бир яшиллик намоён этади. ёки автомобил йўллари атрофидаги арнаментли темир тўсиқлар, улар ҳам ҳар хил жозибали кўринишда ясаиб, ўсимлик турлари билан уйғунлашган ҳолда жойлаштирилади. бу ҳам ўзининг қандайдир композицион кўриниши – фасадини кўрсатади. ёки чорраҳалар яқинида барчанинг кўз нигоҳида, ўсимлик турларидан ҳар хил манзарали ҳайвонлар, қушлар тимсолларини яратиб, улар олдида ҳар хил жонсиз ландшафт элементларини ўрнатиб дабдабали кўринишлар яратиш – бу ҳам бир композицион кўриниш, пейзаж ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Автомобил йўллари атрофида энг асосий композицион кўринишлардан бири – бу замонавий архитектура ландшафти асосида қурилган кўркем ва ҳашаматли бинолар ва кўприкларнинг ҳар хил турдаги япроқ ва нинабаргли дарахтлар, буталар билан уйғунлашган ҳолдаги композициясини яшил ўсимликларни қаторга гуруҳ ҳолида ёки ўртада гиламли кўринишдаги гулзорлар ва клумбалар барпо этиб яратишдан келиб чиқади.

Икки ёқлама автомобиллар ҳаракатланадиган йўллар оралиғидаги эни 4 м гача бўлган яхлит ҳудудда ҳар хил турдаги бутасимон ўсимликлар оралик бардюорлар бўйлаб экиб борилса, ажойиб композит сия келиб чиқади. бунда яшил ҳудудларда: япон беҳиси, шарқ туяси ва шаклдош туя, виргин арчаси ва бошқа манзарали ўсимликларга Япон сафораси, садақайрағоч, мирзатерак, пирамидасимон эман ва бошқа бир неча турдаги манзарали япроқ ва нинабаргли бутасимонлар жойлаштирилиб борилади. натижада йўлда ҳаракатланаётган автомашиналардаги йўловчилар, узоқ-яқиндан ташриф буюрган меҳмонлар атрофда барпо этилган ҳар хил услубдаги композицион кўринишлардан завқ оладилар, шунингдек, одамлар учун яшил ўсимликлар дунёсини севиб-ардоқлашларига бир асос бўлади.

Каштан ўзининг чиройли тўқ яшил барглари ва жуда ажойиб оппоқ гуллари билан атроф-муҳитга гўзаллик бахш этади ва хушбўй хидли гуллари билан эстетик манзара ҳам кашф этади. каштан дарахти ўзининг манзарали

хусусияти билан тошкент шахрининг энг асосий жойлари: миллий боғ, Олий мажлис биноси, истиқлол саройи, Олимпия шоншухрат кўмитаси ва музейи, 8-март сихатгоҳи ва туркистон штаби, марказий универмаги атрофида ўз кўрки билан гўзаллик намоён этмоқда. ҳақиқатдан ҳам, шаҳарнинг кўкаламзорлаштирилишида каштан ва япон сафораси кўчатларидан кенг фойдаланиш бўйича вазирлар маҳкамасининг 2007-йилги 186-сонли қарори айни муддао бўлади. бу дарахт болқон, Қрим яриморолида ўсадиган энг чиройли ўсимликлардан бири ҳисобланади. мДҳнинг европа қисмида москва ва петербург шаҳарлари атрофида экилади, лекин у ерларда совуқдан зарарланади. сохта каштан соясевар ўсимлик. у унумдор нам тупроқли ерларни хоҳлайди. ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келиши унга ёмон таъсир этади. бундай шароитда ёзнинг ўрталарига келиб барглари сарғайиб, қуриб қолади. тўнқасидан кўкаради, илдизидан бачкилайди. уни қаламчадан кўпайтириш ҳам мумкин. умуман олганда кўкаламзорлаштириш соҳасида бутунги кунда ушбу манзарали дарахт туридан кенг фойдаланилмоқда.

Пирамидасимон терак (Ропулоус пйрамидалис Розьер). баландлиги яхши тупроқ шароитида 25–30 м гача етадиган, ён шохлари юқорига қараб ўсадиган, ёғочбоп, йирик манзарали, япроқ барг ли дарахт, шунинг учун ҳам у пирамида шаклини, деярли устун каби шох-шаббани ҳосил қилади. ёш дарахтларнинг пўстлоғи кулранг, силлиқ кейинроқ тўқ жигар ранг, деярли қора, ёриқли бўлади. иссиқсевар, илдиз тизими унчалик чуқур эмас, аммо ён илдизлари нинг ривожланиши ҳисобига бақувват. шамолга чидамли, ёруғсевар. ҳавонинг қуруқлигига ва тупроқнинг кучсиз шўрлигига чидамли. тупроқда намлик етишмаса устки қисми қурий бошлайди. 100 йилгача яшайди.

Шаҳар шароитида газга, тутунга чидамли. хиёбонлар ва автомобил йўллари атрофига экилса яхши натижа беради. ушбу ажойиб, бақувват танали, япроқ баргли дарахт тошкент шаҳрида миллий боғ, а. навоий, ғ. ғулом, мирзо улуғбек ва бобур номли истироҳат боғларида ва абай кўчасида жуда тартиб билан экилиб кўркам кўринишдаги манзара намоён этган. барглари бандли, навбат билан жойлашган, барг пластинкаси бутун ёки панжали, чизикли, лансецимон, буйраксимон, юмалоқ, ромб шаклида бўлади. бир туп дарахтнинг ўзида ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. барг пластинкасининг ҳар иккала томони туксиз, ранги ҳар хил. юз томони тўқ ёки оч яшил, орқа томони кулрангда, айримлари зангори рангда, дағал, қалин пўстли. баргларининг чети кесик, йирик-майда тишчали ёки бутун. банди узун ёки калта, юмалоқ, чизикли, эзилган, тукли ёки туксиз. ён баргчалари тор лансецимон бўлиб, тез тўкилиб кетади. кучаласи цилиндрсимон, бошоқсимон тўпгул. кўп гулли, осилиб ёки тик ўсади. гуллаб бўлгач гули тўкилиб кетади. тераклар икки уйли, гули бир жинсли дарахт.

Ўткир баргли заранг ва заранг турлари (Асер платаноидес Л.). барги тўкиладиган, баландлиги 30 м гача етадиган манзарали дарахт. танаси цилиндрсимон, шох-шаббаси кенг доира шаклида. барглари қарамақарши жойлашган панжасимон, узунлиги 6–18 см. тез ўсувчи тур (айниқса биринчи 10 йилда), тупроқнинг унумдорлигига ва намлигига талабчан. шаҳар шароитига (тутун, газ) яхши мослашган. уруғдан ва балки новдалари билан

кўпаяди. зараркунандалар билан деярли зарарланмайди. ушбу дарахт катталиги, шох-шаббасининг чиройлилиги, текис устунсимон танаси, баргларининг жуда ҳам чиройли эканлигидан атроф-муҳитга ажойиб манзарали кўриниш беради. ёзда тўқ яшил, кузда тўқ сариқ тусли бўлади. ушбу дарахт кўчатларини кўчалар ва боғлар атрофига экиб борилса гўзал ландшафтга эга бўлади.

Шунингдек, зарангнинг чинорсимон ва кумушсимон турлари ҳам мавжуд. Чинорсимон заранг май ойида гуллайдиган, сояга чидамли бўлиб шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. кумушсимон заранг ҳам ўта манзарали дарахт бўлиб, баргларининг юко ри қисми оч яшил, пастки қисми кумушсимон оқ тусли. гуллари яшил рангли, бир ёки икки тўпли. тошкент шаҳри-манзаралининг кўпгина худудларида, жумладан: заранг дарахтидан А.Темур хиёбонида, Шимолий вокзал биноси рўпарасида, Мустақиллик майдонида, хотира боғи атрофида экилган. Бугунги кунда ҳар хил турдаги япроқ ва нинабаргли дарахтларда морфологик кузатувлар, уларнинг таксацияга оид кўрсаткичлари, ўсиб-ривожланиши ва атроф-муҳит омилларига бўлган муносабатлари бўйича тўлиқ тадқиқотлар олиб борилаёпти.

Шарқ биотаси (Биота ориенталис эндл.). Қурғоқчилик ер майдонларига чидамли бўлган шарқ биотасининг ватани хитойнинг шимолий ўлкаси ҳисобланади. унчалик узок бўлмаган даврдан буён марказий Осиё мамлакатларида кўкаламзорлаштириш соҳасида кенг фойдаланилади. бир уйли бутасимон ушбу дарахтнинг баландлиги ватанида 16–18 м гача, бизнинг шароитимизда эса 6–8 м га етади. шох-шаббаси пирамидасимон, пўсти оч жигар ранг, баъзан тўқ кулрангда, барглари оч яшил бўлиб, ғуддаси иккинчи йили етилади. Қадимда деҳқонлар ўз боғлари атрофида экиб келишган. гулларида сўнг сентябр ойида ғуддаси тайёр бўлади.

Ғуддасидан 15–20% уруғ чиқади. 1000 дона уруғ оғирлиги 20 гр дан иборат бўлади. шарқ биотаси иссиққа ва қурғоқчиликка ўта чидамли бўлиб, мамлакатимизнинг ҳар қандай худудида кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Доимо ўз вақтида суғориб борилса жуда тез ўсади. агар унинг шох-шаббалари қайчи билан кесилиб ўз вақтида шакл бериб борилса ажойиб манзара намоён этади. биота кесилгандан сўнг шох-шаббаларига сув пуркалса барглари янада яшнаб кўм-кўк кўриниш намоён этади.

Секин ўсади, бироз сояга чидамли, иссиқсевар. марказий Осиё шароитларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам яхши ўсиши билан ажралиб туради. у ноқулай шароитларга (шўрланган тупроқларга) ҳам чидамлидир. у шаҳар шароитида ҳам яхши ўсаверади. Чанг ва газга чидамли тур.

Биотанинг қурғоқчиликка, совуққа юқори чидамлилиги, тупроққа талабчан эмаслиги ва бошқа ижобий кўрсаткичларидан уни Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида бемалол фойдаланиш мумкин. кучли шўрланган тупроқларда экишга тавсия берилмайди.

Можжевельник синфига оид арчалар асосан тоғли ерларда яхши ўсади, ўрмонларнинг кўп қисми арчазорлардан иборат. бу ўрмонларнинг

кўпчилигини қора арчанинг дарахцимон форма ва турлари ташкил қилади. маҳаллий халқ буларнинг ҳаммасини арча деб юритади. маҳаллий қора арчалар тоғ иқлими ва тупроқ шароитига жуда яхши мослашган.

Арча тоғ ёнбағирларида жуда яхши ўсиб каттагина табиий ўрмонзорлар ҳосил қилган ва бу ерларда халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган кўплаб ёғоч захиралари мавжуд.

Ўзбекистондаги дарахцимон арчалар уч турга бўлинади:

Зарафшон арчаси ёки қора арча (Жуниперуссеравчаниса Ком.). ушбу арча Ўзбекистонда кўпроқ тарқалган бўлиб, 91 минг гектар арчазорнинг 54 минг гектарини ёки 63% ташкил этади. зарафшон арчаси республикамизнинг деярли барча тоғларида учрайди. у Чотқол, Қурама, боботоғ, бойсун, ҳисор тоғ тизмаларининг ёнбағирларида ўсиб, табиий ўрмонзорлар барпо қилган.

Зарафшон арчаси денгиз сатҳидан 2500 м баландликда ҳам учрайди. у асосан денгиз сатҳидан 1400–2500 метр баландликда яхши ўсади ва шу жойларда кўп тарқалган. зарафшон арчасининг танаси узун ва тўғри, қулай шароитда ўсган дарахтининг бўйи 15–16 метр, диаметри 50–60 см гача етади. Жуда яхши шароитда ўсган арчанинг бўйи ҳатто 20–25 метр, диаметри эса 1–1,5 метргача боради. Денгиз сатҳидан 2300 м баландликда кучли шамол эсадиган ва тупроғи қуруқ жойларда ўсадиган зарафшон арчаси кўпроқ энига ўсиб, бўйи 1–1,5 метр, диаметри эса 5 метргача боради.

Пишган уруғининг тиним даври 1,5–2 йил. баҳорда экилган уруғлар бир йил ўтгач сийрак униб чиқади. зарафшон арчаси кўпроқ кум таркибли тупроқда яхши ўсиб ривожланади.

Яримшарсимон шаклдаги Совур арча (Жуниперус семиглоласа Ргер.). бу арча деярли кам тарқалган. Денгиз сатҳидан 1800–2000 метр баландликда, зарафшон арчаси ўсадиган туманларда бу хилдаги арча ахён-ахёнда учрайди. Денгиз сатҳидан 2000–2700 м баландликда, туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирларида, арча минтақасининг ўрта қисмида яримшарсимон шаклдаги арчалар учрайди.

Туркистон арчаси ёки ўрик арча (Жуниперус туркестаниса Ком.).

Ўзбекистонда ушбу арча ғарбий туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирларида кўп тарқалган бўлиб, 34 минг гектарни ташкил этади. бу дарахт денгиз сатҳидан 2300–3200 м баландликда кўп ўсиб ривожланган. лекин 2600 м баландликда бошқа арчалар билан аралаш ҳолда, ундан ҳам баландроқда эса фақат ўзини учратиш мумкин.

Туркистон арчаси йирик дарахтлардан ҳисобланади. танаси йўғон, учи томон ингичкалашиб боради, баландлиги 18 м, танасининг диаметри 1 м гача боради. Туркистон арчаси совуққа чидамли бўлиб, бошқа арчаларга қараганда тупроқ танламайди. арча тоғ шароитига ўрмончиликнинг асосий қисмини ташкил этиб келди ва келади ҳам. у ҳар қандай шароитга чидамли ва узок муддат яшайдиган ўсимлик бўлиб муҳим ҳимоя вазифасини ҳам ўтайди.

Ўзбекистонда арчазор ўрмонлар асосан уч минтақада жойлашган:

– Ғарбий Тянь-шан;

– Туркистон тизмаларининг ғарбий қисми; – ҳисор тизмалари ва унинг ёнбағирлари.

Ғарбий тьян-шан тоғининг Чотқол, угом ва Қурама тизмаларида, ангрэн ва Чирчик хавзаларида бу арчалар кўп ўсиб ривожланган. арчазорларнинг қолган қисми сангзор ва зомин тоғ ва дарёлари хавзаларида жойлашган бўлиб, бу тоғ водийларидаги арчазорларнинг асосий майдонини ташкил этади.

Катта арчазорлар ҳисор тоғ тизмаларининг ёнбағирларида, сурхондарё ва Қашқадарё хавзаларида ва уларнинг манбалари атрофида жойлашган. юқорида қайд этилган барча массивлардаги арчазорларнинг ўртача ўрмон тўлиқлиги 0,4 ни ташкил этади.

манзарали арчалар денгиз сатҳидан 1600–3000 метр баландликда учрайди. 3000 метр баландликда арча дарахти атрофга кенг ёйилган ҳолда ўсади.

Адабиётларда кўрсатилишича, Ўзбекистоннинг Ҳисор тизмаларидаги арчазорлар қадимийдир, лекин улар талабга жавоб бермайди. баъзи бир маълумотларга қараганда ҳисор тизмаларидаги арчазорлар ғарбий тьян-шан тизмаларидаги арчазорлар билан тенг, бироқ туркистон арчазорларидан ёш. арчазорларда икки йилдан кейин учинчи йил ҳосилли йил бўлади. ҳосилсиз йилларда тайёрланиладиган ғудда мевалар ҳажмининг 2–5% миқдоридан уруғ чиқади. ҳосилли йилларда бу рақам 18–20% га кўтарилади. ҳосилли йилларда захира жамғарма 2–3 йилга тайёрлаб қўйилади.

Экиш учун янги йиғиб олинган (сентябр ойида терилган) ва ўтган йиллари терилган (қопга солиб, осиб қўйилган ёки октабр, ноябр ойларида шиша идишларда сақланган) уруғлардан фойдаланиш мумкин. ғудда меваларини қайта ишлаш ва уруғларни тозалаш қуйидаги усулларда бажарилади:

- бетон ёки асфалт майдонда укалаш;
- уруғ тозалагич машиналарида (ЎЗР Ўхити мис–02 машинаси) тозалаш;
- қор остидаги зовурларда 8–9 ой сақланиб, ҳар замонда суғориб турилган ғудда меваларни кўлда тозалаш;

- қайта ишлашдаги учинчи усул уруғларнинг яхши тозаланиши (и–ии синф) ва сифатли уруғ олишни таъминлайди.

Ғудда меваларни йиғиб олишдан олдин ҳар бир дарахт тупининг бутун бир сиртидан бир сиқим ҳажмдаги 6–8 та ғудда намунаси танлаб олинади. шундан кейин уларнинг сифати аниқланади. бунинг учун ғудда мева силлиқ тош устида парчаланади ва ток қайчида қирқилади. ғудда меваларни (ҳар бир 10 та ғудда мевасининг 4–5 таси сифатли уруғга эга бўлган) дарахтлардан териб олиш керак. Йиғилган ғудда мевалардан «Дарахт ва буталарнинг уруғлари» 14–161–86 ГОСТга биноан (камида 200 г) Ўрмон уруғчилиги стансиясига юборилади. арча уруғларининг ўртача экиш нормаси:

зарафшон арчаси – 60–70 г; туркистон арчаси – 13–160 г; совур арча – 15–17 г.

Ҳар томонлама яхши шароитга эга бўлган кўчатхонадан, 2500–3000 метр узунликдаги майдондан, 1,0–1,2 млн бир йиллик кўчат олиш мумкин. шунинг учун ҳам бугунги кунда республикамизнинг баланд тоғли арча ўрмонлари мавжуд бўлган ер майдонларида кўпроқ зарафшон арчаси экинзорлари барпо этишга ҳаракат қилинмоқда.

Бунда кўпинча терраса ва майдончалар усулидан фойдаланиб экилмоқда. бу эса ўз навбатида тоғ қияликларини нурашини олдини олишда ва ҳосилдор

тупроқларни сақлаб қолишда катта ёрдам беради. арчазорларнинг табиат кўркига кўрк қўшиб, чиройли манзара намоён этиб туриши тоғ ёнбағирларида ва оромгоҳларда дам олувчиларга завқ бағишлайди. бунинг учун она табиатнинг хусн-у тароватига ўз кўркини қўшиб турган бу яшил дарахтларни асраб-авайлашимиз керак бўлади.

Қизил зирк (Берберидасеае ҳетеропда). тоғ қияликларида, сойларда ва узоқ тоғ дарёлари қирғоқларида кўриқхона ҳудудидаги Қи зилсув дарёси, ғилонсой чегараларида табиий ҳолда ўсиб ривожланган, бўйи 2–2,5 м гача бўлган, меваси шифобахш бута. илдизи ва пўстлоғини бўёқ саноатида ишлатиш мумкин.

Барглари тўқ рангда, узунлиги 7 см гача. гулчалари ялтироқ сариқ, осилиб турган панжаларга йиғилган. асал йиғишга мойил мевалари эллипсимон чўзиқ, узунлиги 8–12 мм, ялтироқ қизил ёки тўқ қи зил. апрел-май ойларида гуллайди. тоғ водийларини эътиборга олган ҳолда ўртача ўсувчи, совуққа чидамли, иссиқсевар, қурғоқчиликка чидамли. тупроққа талабчан эмас. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида экиб фойдаланиш мумкин.

Оддий шилви (учқат), (жимолост) – (Лонисера хйфостеум.). бўйи 2–3 метр келадиган бута новдалари ёйсимон ёки кулранг-қизғиш ранг ли, яланғоч ёки тукли. баргларининг узунлиги 3–6 см, кенг ту хумсимон ёки эллипс тухумсимон шаклда, уч қисми ўткир, асоси кенг понасимон, юқори қисми кулранг ёки тўқ яшил.

Гулчаларининг ўлчами бир сантиметр. сарғиш оқ, кўпинча қизғиш тусли. мевалари тўқ қизил, бутасимон ушбу ўсимлик май- июнда гуллайди. меваси август-сентябрда пишиб етилади. нисбатан тез ўсувчи, сояга, совуққа чидамли тур. тупроқ ва намликка кам талабчан. унумдор тупроқларда яхши ўсади, 25–30 йил яшайди.

Қатранғи (туғдона) (каркас) – (Селтис.). тоғ қияликларида тош-шағаллари сурилиб қолган оғир тошли жойларда ўсиб ривожланган. марказий Осиёда денгиз сатҳидан 1500–2000 м баландликкача ўсади.

Қурғоқчиликка ўта чидамли бутасимон ўсимлик. тоғ ён қияликларида тошли ва шағалли сурилишларни олдини олишда ҳимоя тўсиқ сифатида экиш мумкин. меваси шифобахш мева сифатида истеъмол қилинади. бўйи 4–5 м гача борадиган бутасимон ўсимлик.

барг ёйиш жараёнида ҳам гуллаб туради. мевалари сентябрда пишиб етилади. уруғида ёғ моддаси бўлиб бодом таъмини беради. бақувват илдиз тизимига эга. 300–500 йилгача, яъни узоқ умр кўрувчи тур. лекин секин ўсади. ёруғсевар, қурғоқчиликка ўта чидамли.

Четан (Сорбус). бу туркумга дарахтлар киради. уларнинг шохшаббаси ёйиқ, шохлари ва танасининг пўстлоғи силлиқ, барглари ёнбаргчали, навбат билан жойлашади, кузда тўкилиб кетади. гуллари икки жинсли, оқ ёки оқ-сарик рангда, улар йиғилиб тўпгул ҳосил қилади, хашаротлар ёрдамида чангланади. меваси юмалоқ ёки овал шаклда олмага ўхшаш, қизил ёки сариқ. кўп уруғли, барглари мураккаб, тоқ пачимон ва оддий, бутун ёки бўлакли пачимон тузилганлиги билан туркумнинг бошқа турларидан фарқ қилади. 80 та тури бор, улардан 34 таси мДҳда ёввойи ҳолда ўсади.

Қизил четан (Сорбус тиансчаниса Рупр.). бўйи 4–5 м ли кичик дарахт бўлиб, новдалари тук билан сийрак қопланган, яшил ёки қизғиш. куртаклари йирик, бўйи 12–15 мм, туксиз ёки тукли. ёнбарглари жуда энсиз, учи ўткир бўлиб, кузда тўкилиб кетади. барглари 10–15 см, айрим вақтларда ундан ҳам узун, 6 ёки 8 жуфт ёнбаргчали, банди тукли. шакли лансецимон, бироз дағал, туксиз, чети тишчали.

Тўпгули йирик, диаметри 15 см гача, гулбанди қизил, туксиз бўлади. мевасининг бўйи 10–12 мм, эни 8–10 мм, аввал қизил сарғиш бўлиб, сўнг тўқ қизил рангга киради. Қизил четан тоғларда, денгиз сатҳидан 2800 м гача баландликда ўрмон ҳосил қилади. нам ва унумдор ерда яхши ўсади. тяншанда, Жунғория Олатовида ва помир – Олойда учрайди.

Оддий четан (Сорбус аусупариа Л.). бўйи 5–15 м га етадиган дарахт, баъзан бута. танасининг пўстлоғи силлиқ, шох-новдалари тукли, барглари тоқ пацимон, 9–15 баргчали, тиниқ яшил рангли. майиюн ойларида гуллайди, гуллари оқ, хушбўй бўлиб, йиғилиб тўпгул ҳосил қилади. тўпгули калта новдаларнинг учида жойлашади. меваси юмалоқ, тиниқ новвоти-қизил бўлади ва сентябр ойида етилади, аммо дарахтда кўп вақт сақланади.

Меваси аччиқ бўлса-да, ейиш мумкин, айниқса совуқдан кейин жуда ейишли бўлади. уни қушлар кўплаб истеъмол қилади. уруғи майда. пархиш йўли билан ва бачки новдасидан, ҳамда тўнкасидан кўпаяди. унумдор ерда яхши ўсади. тоғ қияликларидаги тошли ерларда кўп учрайди. совуққа, курғоқчиликка чидамли. ёғочи ўзақли, қизғиш бўлиб, ундан мебел ясашда, мевасидан эса озиковқат саноатида фойдаланилади. мевалар етилганда дарахт ниҳоятда чиройли бўлиб кўринади, шунинг учун у кўп экилади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўпгина йирик шаҳарларида нафис ландшафт архитектурасига эга бўлган истироҳат боғлари, хиёбонлар ва сайилгоҳлар барпо этилмоқда. ушбу барпо этилаётган боғларда ҳар хил турдаги манзарали, япроқ ва нинабаргли дарахт ва бута турларидан яшил композицион ҳудудлар барпо этилмоқда.

Ажойиб каталпа (Саталпа спесиаса варднер.). ватани шимолий американинг индиана, кентукки, арканзас ва миссури штатларидан иборат водийларда ва дарё бўйларида табиий ҳолда учрайдиган, бўйи ватанида 30–35 метрга етадиган ўта манзарали, кенг шохшаббали, нафис, чиройли текис танаси кулранг пўстлоқ билан қопланган, барглари узун, йирик тухумсимон, уч қисми ўткир, асоси бироз юраксимон шаклда, тиниқ яшил рангли,

Октябр нинг охири ноябр ойида барглари тўкилади. Гулчалари йирик бўлиб кенг супургига йиғилган, узунлиги 15–30 см, гултожисининг пастки баргчаси икки сариқ чизиқли ва кўп сонли тўқ қизил-жигар ранг нуқтали. май ойида гуллайди. меваларининг узунлиги 25–30 см дан иборат бўлиб дарахтни безаб туради ва қишда ҳам ўз жойида осилиб туради. ёруғсевар тур, нам тупроқларда ҳам яхши ўсиб ривожланади. атмосферадаги ҳар хил зарарли газларга ўртача чидамли дарахт. Очиқ майдонларда йирик барглари кучли шамоллардан зарарланади. унумдор тупроқларда ёш кўчатлари тез ўсиб, бир йилда бир метргача ўсиш кўрсаткичига эга бўлади. нисбатан кучсиз қумлоқ тупроқларда ва қуруқ лойли тупроқларда ҳам бемалол ўса олади. илдиз тизими

тупроқнинг юза қисмида панжасимон илдиз отиб тупроқни ҳимоялаш хусусиятига эга. аммо бундай шароитларда йирик дарахт бўлиб етиша олмайди. 1 кг уруғликда 40–45 минг уруғ бўлиб, 1000 дона уруғининг оғирлиги 20–24 гр дан иборат бўлади.

Ипак акация (Албиззия жулибриссин Дуразз). бугунги кунда баъзан амалиётда илмий асосланган, манзарали дарахтларни экиш қоидаларига унчалик эътибор қаратилмайди. Дарахт кўчатларини экишда, агротехника тартиб-қоидалари асосида манзарали кўчатлар қайси ҳудудда, қачон, қандай ва қайси манзарали дарахт тури билан уйғунлашган ҳолда экиб борилади, бунга ўта жиддий ҳолда эътибор берилиши керак. шундан сўнг манзарали дарахт ва бута кўчатларининг яхши ўсиб ривожланиши учун ўз вақтида суғориш, шох-шаббаларига ишлов бериш, маҳаллий ва минерал ўғитлар бериб бориш керак бўлади. шундагина япроқ ва нинабаргли дарахтлар кўкаламзорлаштиришда ўзининг ўта манзарали шох-шаббаси: шарсимон, соябонсимон, пирамида ва конуссимон кўриниши, ажойиб ранг-баранг гуллари, япроқ ларининг шитирлаб туриши, уларнинг шохларида сайроқи қушларнинг сайраб туриши билан ташриф буюрувчилар кўз ўнгида кўкаламзор ҳудуднинг манзарали эстетик тароватини намоён қилади. бунинг учун, энг асосийси, яшил водий ларда кўркам манзара намоён эта диган дарахт ва бута турларини тўғри танлашни билиш тақозо этилади.